



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 18-19 март кунлари Тошкент вилоятида бўлди.

Нурафшон шаҳрида 19 март куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йирилганларни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриқлади. Тошкент вилояти мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутишини таъкидлади.

— Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Шунинг учун вилоятга жуда катта марра кўйганмиз. Лекин шунга яраша натижа сезилмаяпти, ўрта бўғин раҳбарлари “аравани тортолмаяпти”. Энди бизга фақат пахта, ғалла деб юрaverадиган ҳокимлар керак эмас. Пахта билан ғаллани манфаат қилиши керак. Ҳоким эса ҳозирги замонга муносиб, устувор йўналишларни яхши билладиган ва жой-жойига қўядиган, вилоятдаги 2 миллион 994 минг аҳолини рози қиладиган бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Даврон Ҳидояттов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

Д.Ҳидояттов 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1996-2009 йилларда банк тизимида, 2014 йилгача автосаноат тармоғида фаолият юритган. 2014-2020 йилларда Хусурийлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, Чилонзор тумани

ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари, вилоят фаоллари сўзга чиқиб, номзод ҳақида фикрларини билдирди. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Даврон Ҳидояттов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар муҳокама қилинди.

Аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига эътибор қаратилди. Вилоятдаги 1 минг 48 та маҳалла билан манзилли ишлаб, “ўсиш нуқталари”ни ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича вазифалар кўйилди.

2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами қиймати қарийб 120 триллион сўм бўлган 1 минг 108 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши таъкидланди. Уларнинг 1 минг 60 таси ҳудудий, 48 таси йирик тармоқлар лойиҳаларидир. Буларнинг натижасида 52 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари кон-металлургия, энергетика, тўқимачилик, кимё, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги ва туризм вилоят иқтисодиётида асосий драйвер бўлиши кераклигини таъкидлади.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Д.А.ХИДОЯТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят

Кенгашининг қарорига мувофиқ **Даврон Абдулпаттахович Хидояттов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 март

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев “Наврўз” умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 140 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 4 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 69 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 8 нафари озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 59 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 12 нафарини чет эл фуқароси, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахс, 13 нафарини аёл ҳамда 14 нафарини таъқиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахс ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

21 март — Наврўз умумхалқ байрами

БАХШИ КУЙЛАЙДИГАН ДОСТОНЛАР баҳор айёмлари каби гўзал, безубор, меҳрли

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезмоқда. Табиат ва жамиятдаги янгиланишни ўзида мужассам этган бу байрам халқимиз дунёқараши, ўзига хос миллий анъаналари ва бадий тафаккурининг ноёб маҳсулидир. Олам чирой очган шу паллада юртдошларимиз катта сайилгоҳлар, боғ-роғлар, далалар, лолаларга бурканган қир-адирларда, шаҳарларимиздаги хиёбон ва майдонларда байрам сайлини ўтказишади.

Қашқадарёда байрам сайиллари бахшилар ижросисиз ўтмайди. Айниқса, Деҳқонobod тоғлари этакларидан бошланган сайиллар Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор РАҲИМОВнинг сержило ижро намуналари билан ўзгача шукуҳ касб этади. У куйлаган терма ва достонлар тингловчига катта завқ-шавқ бағишлайди, кишиларни яхшиликка чорлайди, маърифат тарқатади.

45 йилдирки, кўлида сози, руҳида парвози билан одамларга маънавий қувват бериб, қанот бағишлаб келаётган Қаҳҳор бахши Раҳимов билан суҳбатимиз халқ достонларининг ранг-баранг намуналари, юртимиз ҳамда халқаро миқёсдаги шуҳрати, достончилик мактаблари ҳақида бўлди.

▶ Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

САНДИҚДАН ЧИҚҚАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори Янги Ўзбекистонимиз адабий-ижтимоий ҳаётидаги тарихий воқеа бўлди.



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ушбу қарорда “Абдулла Ориповнинг бетақдор ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадий асарлари, сермазмун ҳаётининг ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрни ва аҳамияти” алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Ҳаётбахш ҳужжатга биноан улуг ўстозимизнинг шу пайтга қадар очилмай ётган сандиқларидаги қўлёзмалар юзага чиқди.

Оқ-қора қўлёзмалар, қораламалар. Шом ва тонг мисол, Абдулхамид Чўлпоннинг кеча ва кундузи янглиг, тун ва кунга монанд қора-оқ, оқ ва қора қўлёзмалар, қораламалар. Шоирлик умрининг тонг ва шомлари, қалб ва руҳ кечинмаларининг кеча ва кундузлари, тун ва кунлари.

Оқ-қора ранглarda, қора-оқ ранглardaги соғинчлар, изтироблар, орзу ва ниётлар, дийдор ва айрилиқлар. Камол дейсизми, завол дейсизми, хобу хаёл ва ё ҳажру висол дейсизми — барча ташбеҳ ва иқтисосингизга мос ва мувофиқ келаверади.

▶ Давоми 6-бетда



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Бошланиши 1-бетда

Жумладан, жорий йилда Туркия компанияларининг 450 миллион доллар тўғриван тўғри инвестицияси ҳисобига Қибрай туманида умумий қуввати 710 мегаватт бўлган иккита гидроэлектр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, Бўстонликда 1 миллиард 48 миллион доллар сармоя эвазига жами қуввати 540 мегаватт бўлган иккита гидроэлектр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга виллоятда 14 та янги кичик sanoat зонаси ташкил этиш, фойдаланил-маётган 18 норуда конлар негизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

юзасидан халқ депутатлари олдида ҳисобот берди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар ва туман студияларидаги аҳоли билан суҳбатлашиб, улар билдирган таклифларни қўллаб-қувватлади. Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Маълумки, 2017 йил Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрига кўчирилган, давлатимиз раҳбари 2019 йили бу ерга келганида замонавий мажмуалар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташриф чоғида бажарилган ишлар кўздан кечирилди. Давлатимиз раҳбари Нурафшон шаҳрининг Бош режасига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда Тошкент йўли кўчаси кенгайтирилиб, унинг икки томонида 42 объект фойдаланишга топширилган. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Илгариги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, маъмурий бинолар, бизнес марказлар, меҳмонхона, тиббиёт ва таълим муассасалари, гипермаркетлар қурилмоқда.

Тошкент вилоятида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказилди.

Президент мактаб ва боғчаларни қуриш билан бирга таълим мазмунини бойитиш, энди қамровдан сифатга ўтиш кераклигини таъкидлади. Аҳоли келишига қўлай жойда замонавий шифохона ташкил этиб ҳамда уни клиник база қилиб, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС АҚШ САВДО ВАКИЛИ ОФИСИ: ЎЗБЕКИСТОН ЖСТГА АЪЗО БЎЛИШДА ВАШИНГТОН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИГА ДОИМО ИШОНИШИ МУМКИН

Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Вахобов АҚШ Савдо вакили ўринбосари Кристофер Уилсон ва Савдо вакили ёрдамчисининг ўринбосари Зебо Риёзуддин билан музокаралар ўтказди.

Учрашувда элчи Савдо вакили бюроси томонидан Ўзбекистонга нисбатан меҳнатқашлар ҳуқуқларини таъминлаш ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш талаблари бўйича Бош имтиёзлар тизимини қайта қўриб чиқиш жараёнини бекор қилиш тўғрисида қабул қилинган қарор учун миннатдорлик билдирди. Бу билан Ўзбекистондан олиб келинадиган товарлар ва хизматлар божга тортилмаслик тартибини сақлаб қолди.

Кристофер Уилсоннинг сўзларига кўра, ушбу қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам беришдаги ютуқлари, шунингдек, республиканинг Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг интернет соҳаси бўйича битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига содиқлигининг эътирофи бўлди. Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон билан савдо ҳамкорлигини кенгайтириш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатдаги ўзгаришлар жараёни изчиллигидан далолат бераётгани таъкидланди. “Айнан ушбу йўналишлар Президент Жо Байден янги савдо сўбатининг марказида бўлади”, — деди Кристофер Уилсон.

АҚШ савдо вакили ўринбосари Ўзбекистон 15 йиллик танаффусдан сўнг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнининг амалий қисмига ўтди, ЖСТ Котибиятига ўз вақтида керакли ҳужжатларни тақдим этишда маҳкам ютуқларга эришти, деб таъкидлади. 2020 йилда, шунингдек, Ишчи гуруҳининг 4-ийгилишини муваффақиятли ташкил этди.

“Мутахассисларнинг профессионаллиги ва раҳбариятининг ЖСТга аъзо бўлиш суръатини давом эттиришга бўлган қатъий садоқати ҳамда бу йўналишда кўпроқ натижага эришишга тайёрлиги жуда муҳим”, — деди Кристофер Уилсон.

Шунингдек, у мамлакатимизнинг Жексон-Вэнки тузатишининг Ўзбекистонга татбиқ этилишини бекор қилиш бўйича қатъийлигини олқийлади. Мавжуд вазиятнинг сақланиб қолиши, унинг фикрига кўра, АҚШ — Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш истиқболларига таъсир қилиши мумкин, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ҳаракатлари жараёнига жавоб бермайди.

Учрашувда Савдо вакили идораси билан ҳамкорликда апрель ойида АҚШ Конгрессида республикага нисбатан Жексон-Вэнки тузатишининг қайта қўриб чиқилиши мавзусига бағишланган брифинг ўтказиш бўйича келишиб олинди. Унда америкалик қонун чиқарувчиларга Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва бозор иқтисодиёти асосларига босқичма-босқич ўтишдаги ютуқлари тўғрисида батафсил маълумот тақдим этилади.

Музокараларда, шунингдек, АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари ўртасидаги савдо ва инвестициялар тўғрисидаги ҳадли битим кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда минтақада савдо-сотикни кенгайтириш ва тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шароитлар яратиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон элчихонаси маълумотига кўра, мазкур йиғилишни 29 март — 2 апрель ўртасида виртуал шаклда ўтказиш кўзда тутилган. Тадбир кун тартибидан божхона процедураларини унификациялаш, интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя қилиш, товарларнинг халқаро стандартларини жорий этиш, шунингдек, электрон тижоратни ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Америка томонининг фикрига кўра, қўл томонлама ҳамкорликнинг ушбу йўналишлари Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан АҚШ Бош имтиёзлар тизими қўлланилишини сақлаб қолиш учун мустақкам пойдевор яратди. Бу эса ушбу мамлакатларга махсулотларни Америка бозорига божхона тўловларисиз экспорт қилиш имконини беради.

Шу нуктага назардан, Кристофер Уилсон Афғонистонга мамлакатнинг минтақадаги ролини ҳисобга олган ҳолда, Ҳадли битим кенгашининг тўлақонли аъзоси мақоми белгиланиши зарурлигига эътибор қаратди. Элчихона маълумотига кўра, Афғонистонни кенгашга аъзоликка қабул қилиш масаласи муҳокама минтақа давлатлари ва АҚШ ташқи савдо вазирлиқлари раҳбарларининг бўлажак учрашуви кун тартибидан ҳам кўзда тутилган.

“Дунё” АА

Вашингтон

ИНТЕРВЬЮ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз 18-19 март кунлари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолияти, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар билан танишиш, одамлар билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент вилоятида бўлди. Туманларда, маҳаллаларда, sanoat корхоналарида олиб борилаётган ишлар билан танишиб, мутасаддиларга тегишли маслаҳатлар, топшириқлар берди. Аҳоли билан ўз маҳалла ва қишлоқларидаги ўзгаришлар, муаммолар ҳақида суҳбатлашди.

Шавкат ҲАМРОЕВ, сув ҳўжалиги вазири:

— Кўп йиллар сув таъминоти оғир бўлгани учун Чиноз туманига қарашли баъзи экин майдонлари фойдаланишдан чиқиб кетган эди. Яъни узок муддат ҳеч қандай зироат экилмаган. Ёзда, айни экинлар сугориладиган пайтда Бўзсув каналидан оқиб келадиган сув қўриб қоларди. Айни пайтга келиб, мазкур экин майдонлари фойдаланишга киритилди. Энди биз замонавий технологиялар ва сугорилишнинг самарали усуллари билан фойдаланган ҳолда, ўн миллион куб метр сувни иқтисод қиламиз ҳамда минг гектар ерни фойдаланишга киритамиз. Камиди уч баравар кўп сув иқтисод қилинади ва юқори ҳосил олишга эришилади.

Мана шундай кенг қўламли саъй-ҳаракатлар республикамиз бўйлаб амалга ошириляпти. Шу ўринда савол турғилиши мумкин: биз қандай қилиб сувни иқтисод қилишга эришамиз? Жавоби оддий: уч миллион куб метр сувни суви суви тежовчи технологияларни жорий қилиш, яна уч миллион куб метр сув иқтисод қилиш мақсадида сув каналлари, сув иншоотларини тартибга келтириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги агротехникасига амал қилиш орқали иқтисод қиламиз. Шунингдек, ер майдонларини лазер билан текислаб, мавжуд техникани ахборот-коммуникация технологиялари орқали бошқариш, сув кам талаб қиладиган, айниқса, такрорий экинларни экиш орқали ўн миллион куб метр сувни тежаймиш.

Сув тежамкорлигига эришиш бўйича ҳар бир виллоят кесимида ҳисоб-китобимиз мавжуд. Хусусан, Тошкент вилоятида саккиз юз миллион куб метр сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган. Бу ҳудудда бир куб метр сув нархи 200 сўмдан юқори туради. Баъзи виллоятларда сувни насос билан чиқаришга сарфланадиган орқича харажатлар тўғрисида охиригача бир куб метри баҳоси 400 сўмдан ошади.

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида сувдан оқилана фойдаланиш бўйича олдимизда турган вазифа ва топшириқлар белгилаб берилган. Ҳисоб-китобларимизга кўра, мамлакатимиз сув ҳўжалигининг бир йиллик эксплуатация харажатлари 4,5 триллион сўмга етяпти. Биз мана шу харажатларни дастлаб уч фоиз, кейинроқ 4-5 фоизгача иқтисод қилиб боришимиз керак. Демак, уч йилда давлат-хусусий шерикликдаги саъй-ҳаракатлар, сув тежовчи технологияларни қўллаш ҳамда насос станцияларини модернизация қилиш орқали бюджет маблағларидан сарфланадиган 844 миллион сўми, бироз гайрат қилсак, бир триллион сўми иқтисод қиламиз.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан мазкур вазифаларни бажариш бўйича барча кўрсатма ва топшириқлар берилган, ижро механизми батафсил келтирилган. Бугунги учрашувда Президентимиз олдимизда турган мана шу вазифаларни яна бир марта эслатиб ўтди. Биз тегишли барча топшириқларни бажаришга ваъда берамиз.



Азиз РАББИМОВ, қурилиш-пудрат ташкилоти раҳбари:

— Чирчиқ шаҳридаги “Шодлик” маҳалласида бунёд этилаётган 16 қаватли 4 та биномизнинг иккитаси тўлиқ битказилган ҳолда аҳолига топширилди. Уйлариимизнинг иккитаси 64, яна иккитаси 80 хонадондан иборат бўлиб, тўлиқ замонавий инновацион технологиялар асосида қурилган. Туркия тажрибасини урганган ҳолда бунёд этилган уйлариимизга 100 фоиз ўзимизнинг маҳаллий қурилиш маҳсулотлари ишлатилган. Иссиқ, энергиятежамкор, фасади базальт билан қопланган бўлиб, бу ёзда салқинлик, қишда иссиқликни таъминлаб беради. 16-қаватгача ҳар битта хонадонга махсус моторлар ёрдамида 100 фоиз ичимлик сув етказилади. 20 литр сув билан эса 6 ой давомиде унинг иссиқлиги тўлиқ таъминланади. Негаки, замонавий иситиш қозонларимиз сувни ҳам тежайди.

Бундан ташқари, болалар майдончаси, автотураргоҳлар, йўллар мавжуд бўлиб, спорт билан шугулланиш учун махсус майдончалар қурилган.

Муҳаббат ДЎСИМОВА, маданият муассасаси раҳбари:

— Инсон қачон ҳаётдан рози бўлади, қачонки, ўзининг ҳаётида катта бир ўзгариш бўлса. Мен ҳаётимда юз бераётган ўзгаришлардан мамнунман. Қишлоғимизда боғча ва мактаб, маданият маскани, тўқимачилик корхонаси барпо этилди. Янги маданият муассасасида болалар, ёшларимиз учун турли тўғараклар ташкил қилинди.

Қаровисиз бир жой шунчалик яшнаб, обод бўлиб кетади, деб уйламаганим. Бу ерда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ва бошқа миллат вакиллари аҳулида умргузаронлик қилади. Ҳаммамиз қуда-анда бўлиб кетганимиз.

Зиёвуддин МЎМИНОВ, Чиноз туманидаги “АТАМАН” корхонаси раҳбари:

— Эшонобод қишлоғида иккита корхонамиз фаолият кўрсатади. Биринчи махсус формалар тикилади. Иккинчи корхонамиз эса эркаклар костюм-шимини тикишга ихтисослашган. Шу кунгача 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқардик. Дастлаб ишни пахта йўғим-терими учун этак тикиш билан бошлаганимиз. Сўнг иш қўламыга ҳам, сифатига ҳам эътибор қаратиб, тивувчиларни ўқитдик. 700 та ишчи ўрни яратилди. Эндиликда замонавий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарялмиш.

Давлатимиз раҳбари корхонамиз билан танишиб, иш уринларини кенгайтириш таклифини берди. Бунинг учун бизга қўшимча имкониятлар яратилишини айтди. Президентимизнинг таклифидан руҳланиб, келгусида 3000 дан зиёд иш ўрни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Биз, албатта, имкониятдан самарали фойдаланиб, сидқидилдан меҳнат қилишга тайёрмиш.

Музаффар ФАЙЗИЕВ, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбарининг виллоятимизга ташрифи чоғида маҳаллабай ишлаш тизими, тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш йўналишлари бўйича тақдимот қилдик. Тақдимот давомиде Президентимиз бизга аниқ топшириқлар берди.

Ҳозир виллоятимизда 140 минг одам ишиш. Уларнинг 23 минг нафарини ёшлар ташкил қилади. Бу рақамлар, албатта, юқори. Виллоят салоҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, ҳудудимизда ҳамма иш билан таъминланиши керак. Бунинг учун барча механизмлар яратилган. “Темир дафтар”, “Ешлар” дафтари, “Аёллар дафтари” бўйича жамғарма ташкил этилган. Бугунги кунда жамғармада 46 миллион сўм маблағ йиғилган. Йил охиригача яна 60 миллион сўмга яқин маблағ жамғаришни мақсад қилганимиз. Шунда учта дафтардагилар учун 106 миллион сўм маблағ шакллантирилади.

Виллоятда ҳар бир соҳа учун кенг имкониятлар яратилган. Масалан, туризм салоҳиятини олайлик. Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғига бир кунда 7 миңдан зиёд сайёҳ келади. Бу биргина умумий овқатланиш йўналиши бўйича экани ҳеч кимга сир эмас. Қумушқонга келаётган сайёҳларнинг кунлик кўрсаткичи эса 600 нафардан кўпроқ. Буни инфратузилма

талаб даражасида эмаслиги, меҳмонлар келиши учун тўлақонли шароит яратилмагани билан изоҳлаш мумкин. Вақоланки, бу ердаги экотизим бетакор. Қумушқон ҳудудига туризмни ривожлантириш учун 10 гектар ерни тадбиркорларга ажратиб бўйича кўрсатма берилди.

Тошкент вилоятидаги яна бир масала Президентимиз ташаббуси билан ўз ечимини топяпти. Виллоятда тадбиркорларга ер ажратилиши муаммо бўлиб келган. Эндиликда 3000 гектар ерни аукцион орқали сотиш режалаштирилмоқда. Ҳозир 1700 гектар ҳудуд аниқ бўлди. Ажратиладиган ҳудудларнинг инфратузилмаси давлат ҳисобидан шакллантириб берилди. Бу эса тадбиркорларга қўлай имконият бўлади.

Виллоятда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун 410 миллион сўм микродоғдат ресурслар ажратилган. Аҳолига кредит бериш шафқатлигини таъминлаш мақсадида электрон тизим яратилди. Бундан паспортни рўйхатдан ўтказиш орқали истеъмолчининг барча маълумотлари базаси яратилди. Платформага қайси йўналиш бўйича қанча микродога кредит олиши, имтиёз ва сайёҳларнинг кунлик кўрсаткичи эса 600 нафардан кўпроқ. Буни инфратузилма



Бурулай БЎРОНОВА, фуқаро:

— Эшонобод деган қишлоқда шунчалик фахрланиб яшаймишми, бунинг тасаввур қила олмаймиш. Қизларим, болаларим ҳаммаси иш билан таъминланган. Катта қўшим боғчада ишлайди. Қишлоғимиз жуда тез ривожланиб кетди. Болаларнинг боғчага, мактабга хурсандчилик билан бориб келишини кўзатаман. Яратилган шароитлардан миннатдорлик билан руҳиятида ҳам яққол кўзга ташланади.


Ёшу кексининг китобхонлик маданиятини юксалтириш, дам олиш

шароитларини яхшилаш учун Китобхонлар боғининг барпо этилиши қишлоғимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Хиёбонга кириб келаркансиз, аввало, ватанимиз бош майдонининг рамзий дарвозаси — Эзулик аркасининг макетига кўзингиз тушади. Хиёбонда Қозғистондаги Бойтерак, Франциядаги Эйфель минораси, АҚШдаги Олтин кўприк, Россиядаги Қизил майдон, Буюк Британиядаги Биг-Бен соатининг ихчам макетлари ҳам ўрин олган. Бугун Биг-Бен соати Эшонобод вақтинчи ҳам кўрсатмоқда.

СУХБАТ

БАХШИ КУЙЛАЙДИГАН ДОСТОНЛАР

бахор айёмлари каби гўзал, беғубор, меҳрли



Бошланиши 1-бетда

— Қахгор ака, келинг, суҳбатни юртимизда халқимизнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, унинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этадиган, умумбаъшарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъатида берилган эътибор хусусидаги мулоҳазалар билан бошласан.

— Бахшилар сўзлаши олдинда бир оғиз қўшиқ айтмаса, унинг ичидига гаплари ташқариға чиқмайди. Рухсат берсангиз, сўзим аввалида бир терма айтиб берсам:

*Дўмбирамни кўлга олиб сайрадим,
Созни чертиб кенг даврада яйрадим.
Чечан тилим, сўзларимни қайрадим,
Булбулдайин сайраб чиққан дўмбирам.*

*Кўлга олсам булбул бўлиб сайрайсан,
Тирноғини қўш торингага қайрайсан.
Мени шов қилиб, ўзинг ҳам яйрайсан,
Отандан мерос қолган дўмбирам.*

Кейинги йилларда юртимизда халқимизнинг нодир бу санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир неча ҳужжатлар қабул қилинди. “Алпомиш” достонининг минг йиллиги кенг нишонланди, Термиз шаҳрида Алпомиш ҳайкали, Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Давлатимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис қилинган биз, бахшилар кўксини тоғ этди.

Бугунги кунда Термиз шаҳрида бахшичилик мактаби, республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида фольклор синфлари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда кўп томлик “Қорақалпоқ фольклори” тўпламлари чоп этилди, 100 томлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр этилмоқда. Бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари давом этмоқда.

2019 йилда Термиз шаҳрида илк бор ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали жаҳон миқёсидаги йirik маданий ҳодиса бўлди. Фестивалга дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан

зиёд бахши, жиrow, ўзан, гўянда келиб, Термизда жамулжам бўлди. Бир-биримизни танидик. Бир-биримизнинг санъатимизнинг ижро этилиши усулларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Бундай эътибордан кўкка юксалдик. Чанг босган дўмбираларимиз тилга кирди. Авваллари бирор тadbирга чақирилсак, иккиланиб борар эдик. Бизнинг ҳам кимгадир керагимиз бормикан, деб. Ҳозир кўрагимизни кериб, хурсандчилик, катта руҳият билан тadbирларга кириб бораёмиз. Энг нуфузли тadbирларда бахши сифатида қатнашиб келаётганимиз мен учун катта бахтидир. Ўзим Дехқонбодда туғилиб ўсганман. Авваллари Қаршидан нариёғига ўта олмаганман. Ҳатто термаларимиз туман газеталарида босишга лозим қўрилмаган, “Бу эскилик сарқити, айтадиган бўлсангиз, янги руҳда айтинг”, дейилган пайтлар бўлган. Бугун эса достонларимиз, термаларимиз катта китоб ҳолида нашр этилди. Бундай эътибордан руҳланиб, ажодларимиздан мерос бўлиб келаётган бахшичилик санъатини юртимизда ва дунёда кенг тарғиб қилишга бел боғлаганмиз.

— Халқимиз бадий тафаккурининг сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатининг тарихи, тараққиёт босқичлари ҳақида тўхталсангиз.

— Раҳматли отам Қодир бахши бу санъат тарихи ҳақида турли ривоят-

лар айтиб берарди. Инсоният ўз тараққиётининг илк босқичларидаёқ маънавий озқуға эҳтиёж сезган. Табиат ҳодисаларини тушуна бошлагач, қушларнинг сайраши ҳайратомуз янглик бўлиб туюлган. Ривоятларга кўра, қадим замонларда бир чўпон мол боқиб юрганида отнинг ёли чўпга илиниб қолганини кўради. Ана шу ёл шамолнинг тебраниши асосида овоз чиқараётгандек бўлади. Шунда чўпон узун от ёлини чўпга тортишга уринади. Дўмбира шу тариқа пайдо бўлади. Дўмбирадан кейин унга қўшилиб ижро қилинадиган ҳолатлар, кейинроқ эса илк бахшилар юзага келади.

Бахши дегани ким ўзи? “Бахши”нинг луғавий маъноси — маърифатчи, устоз, халқнинг руҳиятини кўтарувчи, деганидир. Бахши, яъни достончи санъаткорларни эл орасида соқи, сановчи, сози, жиrow, манасчи деб ҳам атаганлар. Улар доим ички, бўйиқ овозда куйлаган. Тўғри, ташқи овоз билан ҳам айтилган қўшиқлар бор. Аммо бундай қўшиқлар нимагадир инсоннинг қалбига етиб бормади. Чунки бахшичиликда ички овозда қўшиқ куйлаш анъанаси мавжуд. Ички овозда ўн-ўн беш соатлаб достон айтган бахшилар бўлган.

Достончилик буюк бир миллатнинг қадрияти, мероси. Халқ озаки ижодида намоён бўлаётган неки бор, у халқники. Биз унинг ижрочиларимиз. Биз китобни бир бошдан ёдлаб олиб куйламаймиз. Куй ҳам, сўзлар ҳам ҳолатдан келиб чиқиб, куйилиб келади. Бунда дуо бор, бунда одоб-ахлоқ, ватанга муҳаббат, йигитнинг йигитдай бўлиши, ботирнинг ботирдай бўлиши кераклиги каби бир қанча қадриятлар бор. Масалан, “Алпомиш” достонини олайлик. Бу достон бизга инсонларварлик фазилатларидан сабоқ бера-

ди. Одил ва ҳақгўй, ор-номусли, садоқатли бўлишга, элу юртни севишга, уни турли ётлардан ҳимоя қилишга ўргатади.

— Юртимизда бахшичилик, достончиликнинг ўзига хос мактаблари шаклланган. Ана шу мактаблар бир-бирдан нимаси билан фарқ қилади? Уларда устоз-шоғирд анъаналари қай даражада йўлга қўйилган?

— Дарҳақиқат, юртимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида бахшичилик санъати ривожланган, алоҳида-алоҳида мактаблари яратилган. Қўрғон, Булунгур, Нарпай, Шеробод, Қамай каби турли достончилик мактабларида етишиб чиққан бахшилар ўз ижро услуби, имконияти, репертуари билан бир-бирдан фарқланиб турган. Булунгур достончилик мактаби азалдан қаҳрамонлик достонларини ижро этиб келгани билан машҳур. Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан шоир номи билан боғлиқ бўлган Қўрғон достончилик мактабида, асосан, лирик ишқий қиссалар куйланади.

Шеробод достончилик мактабида соза, овозга, сўзга эътибор қилинади. Ёзма адабиёт вақиллариники сингари қолипга солинган тўртликлар, матн, шеърий қисм — ҳамма-ҳаммаси жуда чиройли, раvon ижро этилади. Хоразм достончилик мактабида мусиқа етакчилик қилади. Хоразм бахшичилик мактаби вақиллари чоғу ансамбли журлигида ички овозда куйлайди. Айниқса, эпик асарларни талқин қилишда жамоавий ижрочилик етакчилик қилади. Хоразм достончилик мактаби



“Ширвоний” (Хива) ва “Ироний” (Мангит) номли иккита йўналишга бўлинади. Бу мактаблар қадимий илдизларга эга. Услуб ва лаҳжа, ёрқин ва жонлан-тирувчи қўшиқ, ашула ва оҳангга эга.

Қашқадарё бахшичилик санъати етук достон ижрочиси бўлмиш падари бузрукворим Қодир бахши Раҳимов номи билан боғлиқ.

Бизнинг сулолаимиз бахшилар сулоласи. Аждодларимиз бахши ўтган. Отам Қодир бахши машҳур эди. Етмишдан ортиқ достонни ёддан билган.

Отам “Алпомиш” достонини куйлаётганда, Алпомиш қалмоқ мамлакатидеги зиндондан чиқиб, золимлардан қутулиб, она Ватани — Бойсун-Кўнғиротга қайтаётган ҳолатини шунчалар завқ билан тўлиб-тошиб, худди ўз Ватани овоз ва муस्ताқил бўлгандай, берилиб куйлар эди. Уша қўшиқлар оҳангида Ватанга муҳаббати тингловчиға яққол сезилиб турарди. Ўзи ҳам тоғ қадрар юксалиб борарди. Сўз, соз ва ички овознинг қудратини кўринки, достон тугагач, одамлар худди Алпомишдай гувраниб, суюниб, шоду хуррам уйлариға тарқалиб кетар эди.

Бугун биз отамиз ардоқлаган санъатни давом эттиряёмиз. Ҳам ўғлим, ҳам шоғирдим Илҳом бахши кўплаб нуфузли танловларда голиб бўлиб, орзуларимни рўёбга чиқаряпти. Илҳом бахши олтинчи авлод. Шоғирдик бизда жуда юқори савияда ташкил этилган.

— Ижод аҳлиға доим нимадир илҳом бериши керак. Сизға нима илҳом беради, нима парвоз бағишлайди?

— Дўмбирамни кўлга олдимми, гўё ўзимни унутаман. Дўмбирам сайраганда кўнглим очилиб, фикрим янада теранлашади. Кундан-кун яшнаётган диёримиздаги ҳар бир ўзғариш менга

илҳом беради. Бунёдкорлик, тараққиёт биз, бахшиларнинг кўз ўнгимизда бўляпти. Ана шуларни кўриб, дўмбира чалиб, куйлай бошлайсан.

*Ватаним, номинг улуг кўёшдан,
ойдан,
Шамолнинг эсади жаннатдай жойдан.
Айланай, тупроғини
олтин қилган Худойдан,
Қахгор бахши айтса, битмас
достонсан,
Зўрларға тенгашсан,
Ўзбекистонсан!*

Ўнга яқин термам Ватанимиз муस्ताқиллиғига, юртимиз раванқиға бағишланган. Ижодимнинг кичик намуналарини жамлаб, “Истиклол” номли янги замонавий достон яратдим. Ўзбек достонларининг доврўғини дунёға ёйиш орузим бор. 2016 йил “Алпомиш” достонини турк тилида чоп этилганди. “Темур ва Боязид” деган достоним 2019 йилда турк тилида дўмбира ноталари ва тахлиллари ҳамда видеоёзувлари билан Анкарада қайта нашр этилди.

— Аини кунларда юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Наврўз билан бахшичиликнинг қандай муштарак жиҳатлари бор?

— Иккиси ҳам қалбга умид беради. Руҳиятни кўтареди, асрий анъаналарға ошно этади. Наврўз сайилгоҳларида бахшилар достонлар куйлайди. Достонлар ҳам худди кўккам байрамидек гўзал, беғубор ва меҳрли бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни янгилашни ва яшариш фаслининг гўзал айёми — Наврўз билан муборакбод этаман! Барчамизға омонликда учрашиш насиб этсин!

**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

БУНЧА ГЎЗАЛ ОНА ЮРТИМ НАВРЎЗЛАРИ!



**Собир ҲНАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, ёзувчи**

Ҳар биримиз баҳорни соғинамиз. Албатта, соғиндик. У келди. Гуллар, дарахтлар, сувлар, тоғлар, адирлар, қирлар ва уларни туйган кўнги-ллар шаклида. Сурур, ўзига яраша сармастик эгаллайди бизни.

қишда тагин қариб-кексайгандек. Лекин одам боласи баҳорни кўйиб юборгиси келмайди, тўғрироғи, баҳор уни ташлаб кетишини хоҳламайди.

Биздан тобора олислаб кетаётган болалигимиз маконларини кўмсаймиз. Борганда ўзининг гўдақлигинг, ўсмирлигини эслатувчи бошқа бир авлод худди ўша адирларда мол боқяпти, футбол уйнаяпти, қир ортидаги пана майдонда кўпқари чопяпти. Булар ўзга замон болалари. Энди улар оқсуяк, чиллак, оқ теракми-кўк терак, ланка, қизлар моҳмак, чақимтош уйнамаяпти. Гўдак қизчалар ҳам чўлдан кўғирчоқ ясаб, кийинтириб, “холо-холо” уйнамайди. Онаси болаларига бугун жуқмо, яъни ёғилминди пишираимиз, жар бўйида лошакаррак (кўш кўнамас) чўпларидан териб келинлар, атала қайнатамиз, деса энсалари қотади. Аслида биз учун бу бир эрмак эмас, алоҳида байрам эди. Атала, яъниким сут, ун, қанд кўшилган суяк овқатни тағига олиб кетмаслиги учун бир соат мობанида



тинимсиз капгирда кўзгаб туриш ҳам биз учун алоҳида завқли машғулот эди. Атала тағида қолган қирмоч эса энг мазали, талашли ёйдиган овқатимиз эди. Онажонимиз ичига атала солиб тайёрланган юқани тўрт буклаб, сўнгра уни эритилган сариеғға бир ботириб, товоққа тортиши... Оҳ, кўя беринг, бу куннинг шавқини.

Тўйимли, мазали таом. Наврўз кунини оқсоқол эълон қилганида ҳам, масалан: “Улжон, Шарапат, Кунсулув — ҳар биринг ўттизтадан ёғилминди; Робия — бир қозон макжайи гўжа; Саман, Рўзи — пидина пичак; Сарвар чеча — уч кило гуручдан самарқанди ош, саби қизил бўлсин; қирғи овулин-инг келинлари — ярим каструлдан тўртта сумалак; янги келинлар — иккитадан қатлама, иккитадан патир; бизди келинлар — ... бор-ку... айрон ошди уйиб тайланглар... Чўпон сайлаймиз, талабгоринг чиқабер”, дейди ва шу ерда кўп масалалар ҳал бўлади. Ҳамон шундай.

Чекка бир қишлоқнинг Наврўзи. Кўп нарса ўзгарган. Одамлар бошқа. Бизни ҳаяжонлантирувчи нарсалар энди ундай эмас. Чавандознинг ҳайқириғи ҳам.

Чавандоз молни сўкмайди. Рақибини ҳақорат қилмайди. Авжи кўзиганда, улоқни кўтарганида “чув, жонивор!” деб ҳайқиради.

Ҳозиргилар устамонроқ. Ўзини авайлаброқ ўйин кўрсатади. Авомликдан холи.

Лекин ўша-ўша ҳайқириқлар. Қўшрабонтнинг тоғлари титраб кетади. Олчалар гул тўқади. Қизлар рўмолини тишлайди. Биялар белида оғриқ кўзғалади. Эҳтимол туғилажак тойчоғи Ғиркўк ёки Бойчибор бўлишини хоҳлар...

Борлиқ уйғониб бўлган. Шоирлар қалби титроқда. Ҳамма ёқда яшариш. Тирикчилик гимир-гимири. Кексалар ҳам кийимларини алмаштириб, момолар ҳам келинлик пайтини эслаб, қошларига ўсма тортади.

Болалар эса варрақларини баландроқ учуриш завқига, қирларни бошиға кўтариб югради, қичқиради. Энтикасан, заминни ҳам, осмонни ҳам кучкинг, бошингға кўтаринг келади.

Бугун ҳаммамиз болага айландик. Келган баҳор ҳам... худди бултургидек болалик баҳори!..

Бунча гўзал она юртим, Ўзбекистоним Наврўзлари!

22 МАРТ — БУТУНЖАҲОН СУВ КУНИ

СУВНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ҳосилдорликни оширади, харажатларни тежайди

Расулжон КАМОЛОВ,
журналист

Мамлакатимизда сув етишмовчилиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаб тус оляпти. Буни юртимизда охириги ўн йилда сув ресурслари ҳажми 12 фоиз, 2020 йилда аввалги йилдагига нисбатан 15 фоиз камайгани ҳам тасдиқлайди. Жорий йил сугориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилмоқда. Шундай бир шaroитда сув исрофига йўл қўймаслик ҳаётги заруратга айланади.

Президентимиз раислигида шу йил 24 февраль кунини қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида жорий мавсумда амалга оширилмайдиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида экинлардан олинмайдиган даромадни кескин қўлайтириш ва сувдан оқилонга фойдаланиш тармоқда энг асосий масала бўлиши зарурлиги белгилаб берилди.

Фаргона вилоятида сугориладиган экин майдонлари қўшни давлатлардан оқиб келувчи Норин, Исфайрамсой, Шохмардонсой, Сўх ва Исфара дарёларига боғлиқлиги сабабли уларни сув билан таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб, уни тежаш, ҳар томчисидан оқилонга фойдаланиш янада долзарблик касб этади. Шу боис, Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш ҳақи қўлувчи аҳамиятга эга.

— Экин агротехникаси пайтида сувга бўлган талаб ортади, — дейди Фаргона вилояти ҳўқими ўринбосари Алибек Турсунов. — Бу вазифани ҳал этиш учун, албатта, янги технологияларни қўллаш талаб этилади. Жорий йилда вилоятимиздаги 44,5 минг гектардан ортиқ экин майдонига сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш режалаштирилмоқда. Самарали усулда пахта ва галла етиштирган фермер ҳўжаликлари томчилатиб ва ёмғирлатиб сугоришнинг ўзига

хос афзалликларини амалда кўрапти. Бу борада инновацион лойиҳаларни қўллаш, аввало, сув танқислигининг олдини олаш, иккинчидан, қиммат бўлган минерал ўғит, механизация хизматлари, ёқилғи харажатларини камайтириш имконини беради.

Инновацион лойиҳаларни жорий этиш кенгаймоқда

Фаргона туманидаги "Чимён шўхрати" фермер ҳўжалиги бўйишида ўзига хос тажриба тўплаган. Ҳўжаликда 2019 йилда 20 гектар майдонда томчилатиб сугориш технологияси жорий этилди. Бир гектар майдонга 16 миллион сўм харажат қилинган бўлса, унинг 8 миллион сўми давлат субсидияси орқали қўллаб берилди. Банкдан олинган 320 миллион сўм кредитнинг 10 фоизи эса Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қўпланди. Шунингдек, фермер ҳўжалиги 5 йил муддатга ер солиғидан озод қилинди.

— Сувни тежовчи технологиялар қўлланганига нисбатан анча юқори ҳўсил олиш имкониятини берди, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Шўхратжон Қаномов. — Авваллари экинларни сугоришга 35-40 кун сарфланган бўлса, томчилатиб сугориш йўлга қўйилганидан сўнг 4-5 кун кифоя бўлмоқда. Энг асосийси,



вақт, маблағ, ишчи кучи тежалади, даромад миқдори сезиларли даражада ошади. Бу йил 22 гектар галла майдонига ёмғирлатиб сугориш технологияларидан фойдаланамиз.

Муҳими, фермерлар ва ердан фойдаланувчилар ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида инновацион лойиҳаларга қизиқувчи ҳўжаликлар сони ортиб бормоқда.

— Корхонамиз сув тежовчи технологиялар олиб келиш ва ўрнатиш билан шуғулланади, — дейди "Белконтитур" МҲК раҳбари Носиржон Раҳматуллаев. — Шу кунга қадар Риштон, Ёзёвон, Қува туманларида пахтачилик ва боғдорчилик ҳўжалиқларида 300 гектар билан ҳамкорликда ҳал этилиши ва ёмғирлатиб сугориш жиҳозлари ўрнатилди. Бу йил эса сув етиб бориши қийин

бўлган 1 500 гектар экин майдонига қўлай ва тежамкор қўрилмаларни ишга туширамиз. Истиқболли лойиҳалар йиллар давомида сувсизликдан қўриб, қақшаб ётган дашт ерларга янги ҳаёт нафасини олиб киради, сўлим боғ-роғлар буй кўрсатишига имконият беради.

Сув сарфини тежаш, юқори ҳўсилдорликка эришишда ернинг текислиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ҳудудда лазерли усунга ёрдамида экин майдонларини текислаш ҳисобига сув сарфини камайтириш бўйича биттадан намунавий лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

— Замоनावий технологияларнинг бир неча тури бор, — дейди "Сирдарё-Сўх" ирригациялар тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Фозилжон Расулов. — Ана шулардан бири дискретли-пульсар сугориш технологияси.

У қудуқлар орқали ер остидан тортиб олинаётган сувни ва электр энергиясини тежаш имкониятини беради. Бу жараёнда қудуқдан чиқаётган сув ариққа туширилмасдан полиетилен қувурлар орқали тўғридан-тўғри экин майдонига олиб борилади. Қолаверса, муайян ҳудудда экинларни ер остидан сугориш усули ҳам синая қўрилади. Экинларга томридан керакли миқдорда намлик бериш ҳам замоनावий технологиялар сирасига киради.

Қўштепа туманидаги "Fergana Global Textile" кластери Марказий Фаргона чўл ҳудудидаги унумдорлиги паст ерларни таллаб олиб, Исроилинг "Не-тафин" корхонаси билан томчилатиб сугориш тизимини жорий этади. Айни кунда 213 гектар майдонда ана шундай инновацион лойиҳа қўлланилмоқда.

Асосий мақсад — шу кунга қадар 20 центнергача ҳўсил олинган майдонлардаги ҳўсилдорликни 50 центнерга етказиш. Аҳамиятли яна бир жиҳати, Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтларини бириктириб келган йигит-қизларга бу борада амалий тажрибага эга мутахассислар бириктириб қўйилди.

Бутловчи қисмлар маҳаллийлаштирилади

Фаргона шаҳридаги "Palma invest" масъулияти чекланган жамияти бу борада янги лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Ишлаб чиқариш тармоғида бир кунда 16 дан 400 миллиметр диаметргача бўлган 4 тоннадан ортиқ полиетилен қувурлар, томизгичли елим тасмалар тайёрланади.

— Махсулотларимизга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда, — дейди иш бошқарувчи Нодирбек Нишоннов. — Ҳар бир фермер, деҳқон ҳўжалиги талаб ва истакларини ҳисобга олиб, махсулот ишлаб чиқарамиз. Технологияларни экин майдонларига жойлаштиришга ёрдам берамиз.

Шу кунга қадар томчилатиб сугориш жиҳозлари учун керакли бўлган бутловчи қисмларнинг асосий қисми четдан олиб келинган. Бу кўп вақт ва маблағ талаб этади. Янги ишлаб чиқариш тармоғи овозгарчиликларга барҳам берди, махсулот таннархини 15 фоизгача арзонлаштирди.

Сирасини айтганда, тежамкор технологиялар воситасида сугориш орқали сув, минерал ўғит, иш ҳақи, агротехник хизматлар учун харажатлар сезиларли даражада қисқаради. Бу фермер ҳўжалиқларининг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини яқшиллаш, даромад олиш имкониятларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

САЙЁР ҚАБУЛ

АДОЛАТЛИ ҚАРОРЛАРДАН ХАЛҚ РОЗИ БЎЛМОҚДА

Усмонали НОРМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Аҳолининг ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги муурожаатларини тинглаш, бу борадаги масалаларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш мақсадида Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ишломов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Сурхондарё вилоятининг шаҳар, туман ва қишлоқларида бўлиб, оммавий қабуллар ўтказди.

Тадбирда Президент администрацияси, Олий суд, Бош прокуратура, Судьялар олий кенгаши, ички ишлар идоралари масъуллари, шунингдек, вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳудудий мутаассадди ташкилотлар раҳбарлари фуқаролар муурожаатларини тинглаб, ижобий ечим топишга кўмаклашди.

Қабулларга воҳанинг барча шаҳару қишлоқларидан одамлар умид ва илҳиз билан ташриф буюргани бу мулоқотларнинг нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этганини тасдиқлади.

— Сайёёр қабулларда ишчи гуруҳ жами 881 нафар фуқаро муурожаатини тинглади, — дейди Сурхондарё вилояти суди раиси ўринбосари, фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси Баҳодир Жумаев. — Муурожаатларнинг асосий қисми жиноий, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судларга тегишлидир. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма муурожаатларининг бир қисмига ҳуқуқий тушунча берилди. Яна бир қисми жойида ижобий ҳал қилинди. Бир қисм аризалар Олий суд томонидан касассия тартибда ҳал этиш мақсадида тегишли судлов хайъатига ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, Сурхондарё вилоятида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича ташкил қилинган оммавий қабуллар ўз дардига ечим излаб юрган аҳоли учун қўлай, жонли ҳамда самарали мулоқот майдонига айланди. Термиз шаҳри ва Денов, Сароисие, Қумқўрғон, Шеробод, Бойсун туманларида ўтказилган қабуллар жараёнида вилоятнинг барча ҳудуди аҳолиси қамраб олинди.

Бош прокуратура масъуллари 26 та аризининг ҳар бирини муурожаатчи ҳамда вилоят прокуратураси вакиллари билан юзма-юз муҳоама қилди. Муурожаатларнинг асосий қисми тергов-суриштирув, суд қарорларини қайта кўриб чиқиш, суд қарорлари ижроси ва бошқа масалаларга доир эди. Мулоқотлар давомида 25 нафар кишининг муаммоси жойида ҳал этилди.

Қабулларнинг бирида ёш оила ўзларини қийнаётган муаммо билан муурожаат қилди. Аён бўлишича, куёв Бахтиёр Холбоев талаба, шартнома пулини тўлашга қўриб етмайди. Турмуш ўртоғи Мафтуна Эшдавлатова эса ишсиз. Ёшларнинг бир фарзанди бор. Масъуллар уларни тинглаб, муаммони ҳар томонлама ўрганди. Ички имкониятлар ҳисобига келинга уйда ишлаб, даромад топиши учун тикув машинаси совга қилинди, куёвга эса шартнома пулини тўлашда амалий ёрдам кўрсатилди. Шу пайтгача қалбига чироқ ёқса ёришмайдиган ёш оила ғамхўрликдан қувонди. Қабуллар жараёнида Мафтуна Эшдавлатова сингари етти нафар хотин-қизга тикув машинаси ажратилди. Ижтимоий аҳоли оғир 16 нафар талабанинг 95 миллион сўмлик шартнома пуллари тўлаб берилди.

Бош прокуратура масъуллари муз-рабоблик Қумуш Хайтованинг аризини ҳам тинглади. Маълум бўлишича, Қумушнинг номига чиқарилган кредит маблағи бошқа шахслар томонидан ўзлаштириб юборилган, имзоси сохта-лаштирилган. Бу масала бўйича Муз-рабоб тумани прокуратурасининг қабул қилган қарори бекор қилинди ва қўшимча терговга қадр текшириш ўтказиш учун ҳуқуқий экспертлар тайинланди.

Қабуллар давомида олтинсойлик Даврон Муҳаммадиевнинг шикоятини эшитган киши охириги йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида содир этилаётган баъзи ғайриқонуний ҳолатлардан хангу манг бўлиши табиий. Даврон оила аъзолари билан туманининг "Гулбод" маҳалласи ҳудудидаги 97,6 гектар ерда пахта, галла етиштириб келган. Олтинсой тумани ҳўқимининг 2019 йил 23 январдаги қарори билан ер майдони ўзга бир шахс номига расмийлаштириб берилган. Муурожаатчининг акаси Умар Муҳаммадиевга мазкур ерни қайтариб бериш бўйича Сурхондарё вилояти

судининг 2020 йил 2 октябрдаги қарори ҳамда Олий суднинг эса 2020 йил 3 декабрдаги ҳал қилув қарори қабул қилинганга қарамай, маҳаллий ҳокимлик ҳамон бу қарорлар ижросини таъминламапти. Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқованинг сўзларига кўра, Бош прокуратура масъуллари муурожаат эгасига бу масала Олий суд билан ҳамкорликда ҳал этилишини, шунингдек, айни шу ариза асосида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги маҳаллий ҳокимликларнинг бир ерни икки шахсга ажратиш билан боғлиқ низоли қарорлари тўпланиб, таҳлил қилинишини, қонун устуворлиги таъминланишини тушунтирди. Қисқаси, келгусида аҳоли ҳўлаш ҳолатлар тақдорланмаслиги учун қонун йўли билан таъсирчан механизм йўлга қўйилмайдиган бўлди.

Қабуллар жараёнида Ички ишлар вазирлиги масъуллари ички ишлар органларига ишга кириш ва ишга тикланиш, суриштирув ва тергов, фуқаролик, паспорт, виза, мол-мулк ёки буюмларни қайтариб олиш, жазони ижро этиш ҳамда бошқа масалаларга доир 155 та муурожаатни кўриб чиқди. Оммавий қабулда Термиз тумани "Орол" маҳалласида яшовчи Тура Бекназаров хонадонидан ўғирлаб кетилган қўйларнинг дарағи ички ойдан буюн чиқмаётганидан шикоят қилди. Бу борада ҳудудий органлар вакилларига тезкор чоралар кўриш, терговга қадр суриштирув ишлари билан боғлиқ материалларни қайта ўрганиш топшириғи берилган. Қарангли, қабуллар туғануча, маҳалла профилактика инспектори муурожаатчининг қўйларни топиб берилганини маълум қилди. Энди айбдор шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилади.

Қабуллар жараёнида Ички ишлар вазирлиги масъуллари муурожаатдан сўнг икки киши профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси вазифасига ишга қабул қилинди, 9 нафар муурожаатчига Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. Бойсунлик фуқаро Санобар Каримованинг аризасида айтилишича, куёви вафот этган, қизи 4 фарзанди билан уйдан чиқариб юборилган. Вафот этган йигитнинг қанидошлари билан уй-жойга эгалик қилиш масаласидаги



низоз ҳал қилинмаган. Қизининг ҳимоя орденини узайтириш керак. Каримованинг муурожаати жойида ҳал қилиниб, аёлга ҳимоя ордери берилди. Мулкий низо эса суд тартибда ҳал қилинмайдиган бўлди.

Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раҳбарлари қилинган муурожаатларда, асосан, суд қарорларини қайта кўриб чиқиш, судьялар хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериш, қомоддан озод қилиш ёки ўтальмай қолган жазо мuddатини енгилроқ жазо турига алмаштириш, алимент ундириш, юридик аҳамиятга эга далилларни белгилаш, ишга тиклаш, фарзандликка олиш каби аризаларни суд тартибда кўриб чиқиш сингари масалалар қўндаланг қўйилди. Тўрт кунлик қабулда ушбу йўналишдаги 540 та масала кўриб чиқилиб, уларнинг 202 тасига жойида ечим топилиди. Жумладан, қабуллар жараёнида ўтказилган сайёёр суд мажлисларида 2 нафар шахс суд залида қомоддан, ўтальмай қолган мuddати енгилроқ жазо турига алмаштирилган 6 нафар

шахс жазони ижро этиш муассасасида озод этилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар кўриб чиққан муурожаатлар асосида 32 нафар шахсга нисбатан алимент ундириш юзасидан суд буйруғи чиқарилиб, ижрога қаратилди. 28 нафар фуқаронинг қаридий аҳамиятга эга фактларни белгилаш бўйича аризаси қаноатланмади. Ажрашиш ёқасига келиб қолган бир неча оила яраштирилди. Муурожаатлардан сўнг судлар томонидан фуқаро Марҳаб Жумаевани Денов тумани ҳокимлигига, Дилдора Мустафоевани Олтинсой туманидаги 18-умумтаълим мактабига, Илҳом Бадаловни Сароисие тумани давлат кадастр хизматига ишга тиклаш бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Иқтисодий судлар суд мажлисларида кўриб чиққан 134 та иш асосида давъогар тадбиркорлар фойдасига қарийб 606 миллион сўм ундирилиши белгиланди.

Оммавий қабуллар давомида маҳаллий раҳбарлар, сектор бошлиқларининг ҳамжиҳатлигида ишлагани

натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 40 нафар фуқарони турар жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан бир миллиард сўм ажратилмайдиган бўлди. "Ёшлар дафтари" да рўйхатда турган 14 нафар фуқарога ера ажратилди. 55 нафар муурожаатчи-га ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳўмилилар ва маҳаллий бюджет маблағларидан 260,3 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 14 нафар фуқарога соғлиғини тиклаш учун 87 миллион сўм ҳамда "Темир дафтар"га киритилган 4 та оилга 160 миллион сўмлик қурилиш материаллари ажратилди. Уй-жойсиз 2 та оила вақтинчалик турар жой билан таъминланди. Хуллас, кўрсатилган амалий ёрдамлар, шунингдек, чиқарилган адолатли қарорлар адашиб жиноят йўлига кириб қолган фуқаролар учун берилган инсонпарварлик кўмағи бўлиб, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини далолатлади.

БУГУННИНГ ГАПИ



Саодат МУҲАМЕДОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор

Олий таълим тизимидаги деярли 30 йиллик фаолиятимиз давомида ҳар йили 21 октябрь арафасида биз — тилшуносларга ОАВ эътибори ва диққати алоҳида қаратилганини қузатиб келдик. ОАВда чиқши кизлар эканмиз, ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини ошириш учун бу ишни қилиш керак, у ишни қилиш керак, бу зарур, у зарур, дейишдан нарига ўтолмас эдик. Оммавий ахборот воситаларида чиқши қилиб, фақат гоҳ ва таклиф берардик, афсуски, уларнинг деярли ҳеч бери ҳисобга олинми, амалиётга татбиқ қилинган эмас...

Минг шукрки, орзу ва армонларимиз ушладиган кунларга ҳам етиб келдик. Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясаб, тил борасидаги ислохотларнинг янги босқинини бошлаб берди. Зеро, охири йилларда тил сиёсати борасида бажарилган ишлар ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга хизмат қилаётганини ҳар кун, ҳар соғинада кўриб, билиб турибми. Энди “Бу ишларни қилиш зарур”, деб эмас, балки “Бу ишлар бажарилди”, “Бу гоҳ амалиётга татбиқ этилди”, деб эътироф этилди.

Президентимизнинг мазкур фармонларига асосан, ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожлантириш, ҳимоя қилиш, унга амал қилинишни таъминлаш бўйича бажарилаётган ташкилий ва амалий ишлар ҳамда ўзбек тилини тарғиб ва тадқиқ қилиш, ўзбек тили бўйича таълим бериш ишларига Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти бош бўлмоқда. Ташкил этилганга кўп вақт ўтмаган бўлса-да, қисқа муддатда департамент кенг кўламли ташкилий, татбиқий ишлар қилди. Жумладан, барча вазирликларда ўзбек тилини ҳимоя қиладиган, “Давлат тили ҳақида”ги қонун ижросини таъминлаш бўйича масъул шахслар — раҳбар ўринбосари мақомидаги маслаҳатчилар лавозимини жорий этилиб, унга филолог ва журналист ихтисослигига эга, фидойи кадрлар танлов асосида тайинланди. Ўзбек тилини ривожлантириш жағфармаси ташкил этилди. Атамашунослик қўмитасини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, республикамизнинг нуфузли олимлари иштирокида 2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш

БЕНУҚСОН ВА ҚУЛАЙ АЛИФБО

халқимизнинг бирлигига, яқдиллигига хизмат қилади

концепцияси ва давлат дастури ишлаб чиқилди. Давлат тилида иш юритиш бўйича малака ошириш ҳудудий марказлари ташкил қилинди.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, ҳар бир соҳада унинг амал қилинишни таъминлаш учун алифбо, имло, лугатлар масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода департамент “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг янги таҳрири ва лотин алифбосига қисқа муддатда тўлиқ ўтиш масаласининг қонуний асослари билан жиддий шуғулланди. Натижада 2021 йилнинг 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “йўл харитаси” тасдиқланди. Тўғри, лотин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбосига тўлиқ ўтиш масаласи нисбатан чўзилди. Бу ўринда босқичма-босқич ўтиш жараёни ҳисобга олинди. Ҳозирга қадар катта авлодни бунга тайёрлаш учун ҳужжатларнинг ташкилий қисми, телекурслар номи, газета номи ва бошқа барча соҳаларда босқичма-босқич лотин ёзувиге тўлиқ ўтиш жараёни кечмоқда. Ҳужжатга асосан, 2023 йилдан тўлиқ лотин ёзувига ўтилиши кўзда тутилган.

Бу жараёнда жорий алифбо ва имлони такомиллаштириш масаласи биринчи ўринга чиқади. Зеро, алифбонинг тартибга солмай туриб, имлони такомиллаштириш мантиққа зид. Шу сабабли қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди. Албатта, бу шошма-шошарлик билан бугун қабул қилинган қарор эмас. Бу муаммонинг ўз тарихи бор.

Алифбо ва имло масаласи ХХ асрнинг бошларига келиб, жиддий тарзда кун тартибига қўйилган. 1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган тил-имло анжуманида миллий алифбо ва имло қоидалари илк марта махсус кўриб чиқилган. 1923 йилда Бухорода ўтказилган шундай анжуманда эса биринчи марта ўзбек тилининг имло қоидалари қабул қилинган ҳамда Маориф комиссияси томонидан расман тасдиқланган. Лекин ижтимоий ўзгаришлар, жумладан, сиёсий аҳвол, саводхонлик талабининг ошириб бериши, мактаб-маориф ишининг ривожланиши туфайли араб ёзуви таллабларига жавоб беролмаслиги маълум бўлди. Шу боис, 1926 йили Бокуда ўтказилган Биринчи туркология курултойи туркий тилли республикалар учун лотин ёзувиге асосланган алифбога ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1929 йили Самарқандда бўлиб ўтган тил-имло анжуманида лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси қабул қилинди ва мазкур алифбо асосидаги имло қоидалари тасдиқланди. Аини шу жараён ўзбек адабий тили тарихида муҳим қадам бўлди: халқнинг ёзма саводхонлиги кескин ошди, ўзбек тилининг табиатига мос ишлаб чиқилган имло қоидалари умумий миллий бирлини таъминлашга хизмат қилди. Чунки унда ўзбек тилининг асрлар мобайнида шаклланган товуш хусусиятлари ҳисобга олиниб, алифбода 9 та унли товушни ифодалаш учун белгилар олинган эди. Лекин бу ҳодиса 1930 йилларнинг бошларида турли қарашларни вужудга келтирди. Натижада 1934 йилда Тошкентда ўтказилган тил-имло анжуманида унли товушлар сонини 6 та этиб белгиланди ва шу асосда янги имло қоидалари тасдиқланди. Мазкур имло қоидалари, айрим камчиликларига қарамай, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тарққлигида муҳим роль ўйнади. Бинобарин, ўзбек тилининг товушларини нисбатан тўғри акс эттирадиган алифбо юзага келди. Халқнинг саводхонлик даражаси кўтарилди. Оғзаки нутқ ва ёзув орасида яқинлик пайдо бўлди. Бу эса мустабид

тузум мафқурасига, “қизил империя” манфаатларига мос келмас эди. Шу сабабли ҳам ўзбек лотин алифбосининг “камчиликлари”, жумладан, СССР халқларининг жипслигига хизмат қилмаслиги, рус тилини ўрганишда қийинчилик келтириб чиқараётгани қабили ҳақида баҳс-мунозаралар авж олди. Қисқаси, барча туркий тилли республикаларни рус алифбосига кўчириш учун замин ҳозирланди.

1940 йил 8 майда “Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига кўчириш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 1940 йил 4 июлда эса “Бирлашган ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” тасдиқланди. Шундай қилиб, 33 ҳарф ва 2 белгидан иборат ўзбек кирилча алифбоси амал қила бошлади. 1956 йилда эса “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” ишлаб чиқилди. Биз ҳозирга қадар кирилча ёзувимизда мазкур имло қоидаларига амал қиламиз.

Мустабид тузумнинг сўнгги йилларида собиқ иттифоқ республикаларида миллий йўналиш ҳаракати кучайди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик гоҳиси авж олди. Бу ҳолат, энг аввало, она тили билан боғлиқ ҳолда кечди. Ўзбек халқи сиёсий мустақилликка илк қадам давлат тили орқали бўлишини англаб етди. Шу сабабли ҳам собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тили Ўзбекистоннинг давлат тили деб эълон қилинди. Миллий алифбо масаласи ўртага ташланди. Аини шу ҳолат ўзбек халқининг ўз кучига бўлган қатъий ишончини намойён қилди.

Мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби она тилимиз, унинг ифодачиси бўлмиш ёзувимизнинг ҳам ривожу такомиллини эмин-эркин белгилаш, таъмин этиш имконини пайдо қилди. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йилда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонуни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида кескин бурилиш ясади. Қонун ўзбек тилининг қарийб бир ярим асрлик ҳақсизлиги ва қарамлигига барҳам берди. Беҳад қадим ва бениҳоя бой тилимизга унинг поймол этилган ҳуқуқларини тасомаман тиклаган “давлат тили” деган ҳаққоний мақом берилди. Бу ёрғу орзулар умиди билан яшаган жафокеш халқимиз тарихида, ҳеч шубҳасиз, буюк воқеа бўлганини таъкидламоқ жоиз.

Халқимизнинг она тилимизни ривожлантириш каби асрий эзгу ниятини амалга ошириш, дунёдаги бошқа халқлар, миллатлардан орқада қолмаслиги ва улар билан тараққий этиш бақамти одимлашини таъминлаш мақсадида 1993 йилнинг 2 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. У том маънодаги лисоний мустақиллик нишонаси эди. Шундай қилиб, ўзбек лотин алифбоси 26 ҳарф ва 3 ҳарф бирикмасидан иборат бўлди.

Бироқ тил амалиётинан келиб чиққан ҳолда 1995 йил 6 майда алифбога айрим тузатишлар киритилди. 1995 йил 24 августда мазкур алифбога асосланган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” тасдиқланди. 1996 йилдан бошлаб барча таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни ўзбек лотин алифбосида олиб борилди. Ўқитиш жараёни учун барча дарслик ва қўлланмалар, кўргазмалари воситалар лотинча имлода нашр қилинди, қўпбал бадий адабиётлар лотин ёзувида чоп этилди.

Бу алифбонинг ўзига хос ютуғи, биринчидан, алифбо тартиби ихчамлашди, лотин тилидан

мерос қолган ҳарфлардан 24 таси (с ва w дан ташқари) ўз тартибда сақлаб қолинди. Бу эса лотин ёзувиге асосланган бошқа алифболар (инглиз, француз, немис) билан умумийлики таъминлади. Иккинчидан, бўғиз ундоши [x] ва қаттиқ танглайда ҳосил бўладиган [x] товушлари учун бир-биридан шакл жиҳатидан кескин фарқланадиган шакллар: Н(н) ва Х(х) нинг қабул қилиниши жуда катта қулайлик яратди. Демак, талаффузда унчалик фарқлай олмайдиган юртдошларимиз ҳам энди уларни ёзув орқали фарқлай олиш имконига эга бўлди. Яъни хуш (xush) ва хуш (hush), ҳам (xam) ва ҳам (ham) шакл жиҳатидан яққол фарқланади.

Иккинчидан, қўшалоқ ҳарфлар: Ss — Sh sh, Cc — Ch ch, Nn — Ng ng каби ҳарф бирикмаларининг юзага келиши инглиз тилини ўрганишда муайян даражада қулайлик яратди. Аммо вақт ўтган сари алифбонинг камчиликлари ҳам билиниш қолди.

Лотин ёзувиге асосланган жорий алифбонинг камчилик шукки, Уу ва Ff ҳарфларининг босма шаклини ёзиш мураккаблашди, яъни o ва g ҳарфларининг ёнига махсус диакритик белги (') қўйилади бўлди. Бу эса лотин ёзувидаги матнларнинг кенгайиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, ўғил — o'g'il каби. Аини пайтда лотин ёзувидан фойдаланишда тутуқ (') ва диакритик (') белгиларни чаққатлиқи ҳолатлари кўп. Ҳозирга қадар ҳам кўп ўринларда Ўзбекистон сўзини O'zbekiston шаклида ёзиш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, [ш], [ч], [н] товушларини ифодалашда ҳам мураккаблик юзага келди. Бир товушни иккита ҳарф билан — ҳарфлар бирикмаси орқали ифодалаш ёзув амалиётида кўп ҳарф ишлатишга, кўп вақт сарфлашга олиб келди.

“Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни баҳари муҳим муқаррарларга кўра, икки марта ўзгарди: дастлаб 2005 йил деб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, 2010 йилгача узайтирилди. Демак, ўзбек лотин алифбоси 2010 йилдан бошлаб республикамиз ҳудудини ягона алифбо сифатида қўлланиши керак эди. Бироқ бу амалга ошмади. Ўзбек амалиётида лотинча имлога тўлиқ ўтилмади. Ҳозирга қадар қўпбал оммавий ахборот воситалари, нашриётларда, асосан, кирилча ёзувдан фойдаланилмоқда. Бу эса аҳолининг, хусусан, ёшларнинг қатъий эътирозига сабаб бўляпти. Негаки, ҳар қандай ҳуқуқий-демократик давлатда қонун устуворлиги таъминланиши шарт.

Жорий ўзбек лотин алифбоси 25 йилдан ортироқ вақт давомида амалий жиҳатдан ўзини тўлиқ оқламади, яъни мазкур ҳарфлар ёзилиши, қўлланиши жиҳатидан барча эҳтиёжларимизни тўлақонли қондира олишини намойён этолмади. Шунга кўра, оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқларда бир неча ҳарфни бошқача шаклда ёзиш таклифи билдирилди. Табиийки, 26 йил аввал қабул қилинган алифбо ўша давр талабларига жавоб берган. Ҳаёт эса ўзгармоқда. Унинг шиддати, глобаллашув жараёни имло ва ёзув масаласига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда, албатта. Шу жиҳатдан имло қоидалари ва ёзув ҳам давр, вақт, маданиятлараро коммуникация, глобал ахборот тармоқлари талаблари нуктаи назаридан ислох қилиниши ҳамда ўзгарилиши табиий. Шунга кўра, 2016 йилда — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил қилинган дастлабки ойларида Ўзбекистонда лотин ёзувиге асосланган алифбонинг ислох этиши ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифларни йиғиш ҳамда умумлаштириш учун республикадаги таниқли тилшунос олим,

ёзувчи, ўқитувчилар, компьютер мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилди. Жорий алифбо ва имлодаги ислох этилиши зарур бўлган ўринлар турли йиғинларда илмий-амалий таҳлилдан ўтказиб борилди. Республикадаги умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари билан жорий алифбо ва имло муаммолари таҳлили юзасидан давра суҳбатлари, амалий семинарлар ташкил қилинди. Амалиётдаги инсонларнинг фикри ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига ўзбек тилининг алифбоси ва жорий имлонинг такомиллаштириш юзасидан юборилган мурожаатлар таҳлил қилиниб, ижтимоий тармоқларда ўзбек тили алифбоси ва жорий имло қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар йиғиш учун махсус гуруҳлар ташкил этилди. Гуруҳларда билдирилаётган фикрлар таҳлил қилинди. Ишчи гуруҳ ўзбек тили алифбоси ва жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича барча таклиф ҳамда хулосаларни умумлаштириб, ҳамкор ташкилотлар билан муҳокама қилгач, Вазирлар Маҳкамасига топширди.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур таклифларни ўрганиб, такомиллаштириб, муҳокамага тақдим этди.

Ҳақиқат баҳсларда туғилади. Аини пайтда имло борасида ижтимоий тармоқларда қизғин баҳслар кечмоқда. Бу — яхши. Аммо бир гапни таъкидлашни истардик. Тўғри, ҳозир эҳтимол иқтисодий масалаларга эътибор қаратиш, уларга маблағ ажратиш муҳимроқдир, аммо алифбо ва имлони такомиллаштириш масаласи халқимиз келажаги ва равнақи билан боғлиқ эканидан асло кўз юмиб бўлмайди. Чунки жорий алифбоддаги ноқулайликлар унинг интернет тили сифатидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Юникод тизимида алмаштирилиши таклиф қилинаётган график шакллар мавжуд эмаслиги туфайли дастурлашда сўз таркибиде қўлланинган битта ҳарфнинг диграф (бирикма) шакли матндаги сўзларни бўлиб юборишга олиб келмоқда. Миллий алифбомиздаги мавжуд муаммолар ўқиш-ёзиш жараёнида қийинчилик туғдириш билан бирга, имлони, грамматикани текширувчи, матни нутқча ва нутқчи матнга айланттирувчи компьютер дастурий таъминотларининг пайдо бўлишига ҳам тўсқинлик қилмоқда.

Аини пайтда Google, Microsoft, Huawei, Samsung, LG ва бошқа қатор йirik технология компаниялар ўз дастурий махсулотларини ўзбекчалаштиратганини ҳисобга олсак, алифбонинг кечиктирмасдан ислох қилиниши аини муддао бўлади. Миллий алифбомиз ислох этилиб, қулайлашса, катта-кичик авлодларга мансуб ҳамюртларимиз, шунингдек, яқин-олис мамлакатларда яшовчи миллатдошларимиз ягона ёзув атрафида жипслашадди. Нуқсонсиз, қулай алифбо халқимизнинг бирлигига, яқдиллигига хизмат қилади. Туркийзабон давлатлар ва халқлар ўртасида ўзбек тилининг нуфузи кескин кўтарилади. Шунингдек, ўзбек тилининг интернет ва глобал ахборот операция тизимларида қўлланиши имкониятлари ошади. Sh ва Ch ҳарфлари билан боғлиқ муаммолар бартараф этилса, нашр этилаётган адабиётларнинг ҳажми кўпайтириш таклиф қилинаётган ҳар белгининг Юникодда коди мавжуд бўлгани сабабли бир ҳарфни компьютерда териш учун битта ҳаракат бажарилади. Энг муҳими, алифбо қулай бўлса, лотин ёзувиге тўлиқ ўтиш ҳам тезлашади, иккиёзувлиққа барҳам берилади.

ТАДБИР

ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛМ-ФАН ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тошкент давлат транспорт университетида ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва ободонлаштиришда илм-фан ютуқлари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган ўқув семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари, йўл ҳужжали соҳаси ходимлари иштирок этди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ободонлаштириш

шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш, қишлоққа sanoatни олиб кириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида кенг қамровли ислохотлар кечмоқда. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” лойиҳалари доирасида йил сайин кенгайиб бораётган. Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифлари доирасида маҳаллаларга ташриф буюриб, бажарилган ишлар билан танишиб, аҳоли билан беvosита мулоқот қилмоқда.

Хусусан, Президентимиз 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу борада маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хўжалик йўлларини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилишининг илгор технологияларини жорий этиш, хўжалик ва аҳоли яшаш пунктлари йўлларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди. Ўқув семинар ана шу вазифалар иж-



росини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Тадбирда мазкур йўналишларда Тошкент давлат транспорт университети олимлари томонидан таклиф

этилаётган инновацион ечимлар муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳудудларда хўжалик йўлларини эксплуатация қилишни

такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечилиши, хўжалик ва аҳоли яшаш жойлари йўлларини архитектура-ландшафт конструкцияларда “маҳаллабай” ишлашнинг янги тизимини жорий қилиш масалалари кўриб чиқилди. Қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, коммунал хўжалик тизимларини комплекс ривожлантириш ва кенг кўламли модернизациялашдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг таҳлили юзасидан фикр алмашилди.

— Бугун юртимизда йўл қурилиши соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда, — дейди Тошкент давлат транспорт университети кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Аслидин Уроқов. — Бироқ қурилаётган йўлларнинг сифати эътирозга сабаб бўлмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш учун, аввало, йўл қурилиши соҳасидаги мавжуд стандартларни замонавий илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш лозим. Аини пайтда

институтимизда олимлар ва экспертлар иштирокида ташкил этилган гуруҳ шу масалада илмий таҳлил бормоқда. Ушбу семинарда иштирокчиларга бу борада қилинаётган илмий ишлар ва амалий ишлар ҳақида атрофлича маълумот бердик.

Тошкент давлат транспорт университети кафедра мудири, доцент Баходир Қаҳоровнинг айтишича, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва оқова сувни зарарсизлантириш борасида ҳам янгича талаблар асосида ишлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада, аввало, ҳудудларда ичимлик сув таъминоти тизимини тартибга солиш, оқова сувни зарарсизлантиришда янгича ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўқув семинарда олимлар томонидан шу йўналишларда ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий шароити ва табиий имкониятидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида маълумот берилди.



www.yuz.uz



yuz.uznews




yuz_official



yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

САНДИҚДАН ЧИҚҚАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР



Бошланиши 1-бетда

Алишер Навоий бобомизнинг бедор қалби билан изоҳлаганда, "Менинг фироқим унинг висоли тун била тонг", "Менинг гуломи тили билан айтганда, "Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг", мисраси ўша мустабид тазуларнинг авзойи билан бағоят уйқаш ва ухшаш...

Биз бугун Янги Уйғониш замони, Янги Ўзбекистонда яшаймиз.

Адиблар хабаригадаги устоз Абдулла Ориповнинг мухташам хайкали пойида утқазилган катта адабий-маърифий анжуманда таниқли ижодкорлардан бири барчани кутлуг айём билан табриқлар экан, жуда ўринли ва чиройли лутф қилди: "Баҳор айёми, шеърятимиз Наврузи бугун эмас, аслида Президентимиз қарори билан бундан уч-тўрт ой аввал аллақачонлар бошланиб бўлган эди..."

Шу латиф иқтибосдан айтиш мумкинки, устозимиз сандиқдаги қўлэмалар ҳам вижир-вижир қалдирғочлар мисоли назмимиз осмониди озод, эркин парвоз эта бошладилар.

Устоз Абдулла Орипов: Мен ҳам яшагилман ўз замонимда, Давридан қайга ҳам тушардим ўйроқ, — деб ёзаркан, икки мисрагина шеърда ўша

оғир даврларга ишора қилганини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Баҳор ҳам ўз-ўзидан кириб келмайди, албатта. Қалдирғочлар бекорга юрт осмонини тўлдириб учмайди. Синов ва имтиҳонларга, қувончу соғинчларга тўлиқ қишимиз ҳам, баҳоримиз ҳам ўзимизники, ташвишимиз-юмушимиз ҳам шу эл, шу Ватан билан, элнинг тинчи ва саодати билан бирга ва бақамти. Устознинг ўзлари, "Сенинг висолингдан қувонмай нега, Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узок", деганларидай, табиатнинг ҳам, еру коинотнинг ҳам ўз қонун-қоидалари ва ўлчамлари бордирки, шу қонуниятга биноан барчаси ўз вақти-соати билан жой-жойга тушмоғи мукаррар. "Қарши қўшиғи"да шундай сатрларни ўқимиз:

Лекин унинг баҳори, о, сен чўллар баҳори, Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин. Эрта кун қовжирашдан бўлса ҳам дилда зори, Лола лаби хандону тубда доғи яширин.

Абдулла аканинг ижодий-адабий мероси. Устоз Абдулла Ориповнинг батақдор адабий мероси...

"Мерос" дейишга ҳам тил бормайди — қайси томондан келманг "адабий" жумласи "адабий"га эврилиб бораверади.

Навоий ҳазратлари ҳақида фахр билан гапирар экан, Абдулла ака муъжазгина бир тўртликда бутун мангуликни синдира олган эди:

Абадият билан қай сўз эзизак, Балки яхши орзу, яхши ниятдир? Мангулик ангалар Навоий десак, Навоийнинг ўзи Абадиятдир.

Озод домланинг ибораси билан айтадиган бўлсак, сатрлар тирик, улар нафас оляпти, қўламоқ чоғи гулуриб-фуруриб гуллаётган найсон ниҳоллари янглиғ буй тарятаяпти, ифор сочяпти. Асл шеърятнинг аслиғи ҳам ҳаётлиғи ва ҳаётбахшлиғида эмасми.

Дарвоқе, Абдулла аканинг илк шеърый туркуми айнан домла Озод Шарофиддиновнинг "Оқ йўл, Абдуллажон!" сарлаваҳали дил сўзлари — дуоси билан "Шарқ юлдузи" журналининг ўтган XX асрда — 1964 йилги бешинчи сонидида босилганига ҳам, мана, салкам олтимиш йил бўлибди. Салкам олтимиш йил бўлганда "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Сен баҳорни соғинмадингми?" сингари шеърлар ўз сеҳри ва қудрати, нафосати ва садоқати билан баҳорий тароватини йўқотмай яшаб келаётди.

... Ҳанифа янгамизнинг, устознинг юпанчи ва қувончи бўлиши суюкли ва қуюнчак қизлари Рухсораойнинг далоят беришларича, Абдулла аканинг назмий сандиқда чиқарилмаган, чоп этилмаган шеърлари, қўлэмалари ҳали талафига. Уларнинг салмоғи, залвори жамлаб-чамалаб кўрилса агар, устознинг нашр этилиб, аллақачон халқ мулки ва миллат гурурига айлана кетган асарлари қўлами ва миқёсидан кўпроқ чиқса чиқадики, асло кам эмас экан.



Бу биз — нуноқ ва гердайган шоғирдлар-шоғирдчалар, ўзи ўзига махлиё сўз исрофгарлари — тўрт қатор шеъримизни даъвою дoston қилиб, сархуш ва сармаст, шон-шухрат фазоларида баланд парвозлар талаб этаётган, бир зум бўлса-да, ўз жону танамизда ўйлаб кўрдикми: Сўз нима? Сўз йўлида сўз устида жон бермоқ нимаю шоирлик нима?... Муъжазгина бир тўртликда бўлса агар ўн тўққиз ё йигирматагача сўз бўлиши мумкин. Устоз шундай бир тўртликни ўн етти марта қайта ишлаб, ўн еттита жумласини бус-бутун ўзгартирганини қандай тимсол, қандай иқтибос билан ифодалаш керак?..

Шунча катта шоирлар туриб, улкан адиб Абдулла Қаҳҳор нима учун айнан Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовдек ёш ижодкорларнинг шеърларидан ўз ҳикояларига эпиграфлар олган?..

Митти юлдуздан ҳам миттироқ ёш шоирнинг илк китобига Миртемир домладек устоз оқинлари сўз деҳқонлари не сабабдан муҳаррирлик қилгани-ю, айнан Ойбек, Шайхзода домладек улуг зотлар бошини силаб, мактаб-алқаганлари нима учунлигини биламизми?..

Адабиётнинг улкан тоғлари саналмиш бу аллома адиблар ёшгина йигитчага Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлмоғи учун меҳр ва ҳақсала билан тавсияномалар ёзиб берган, қўллаб-қувватлаган...

Мухаббатим лол қотган ул тоғларинга айтсин, Тонгда оҳим тақдор этган боғларинга айтсин, Менсиз ўтган ҳар бир лаҳза, чоғларинга айтсин: Сен учундир бор ҳаётим, шухратим-шоним, Қўлларини бергил менга, ширинзабоним.

Азиз ўқувчилар эътиборига биринчи маротаба яхлит китоб шаклида ҳавола этилаётган

шеърлар Абдулла аканинг асосан, ўсмирлик чоғлари, талабалик палласи — ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз, йигирма-йигирма бир ёшларда ёзган, шунингдек, серизтироб умрнинг бошқа фасл ва паллаларида ёзиб сандиққа ташлаб қўйилган қўлэмаларидан тартиб берилди. Уларда бурунги ва бугунги адабий жараён ихлосмандлари, айниқса, катта адабиёт оstonида мўралаб турган ёш ижодкорлар учун талай ибратлар, ўрганса арзийдиган сўз жилolari, меҳр ва садоқат, қалб ва руҳ иқтибослари мавжуд.


Тўпلامдаги "Танқидчиға" номли шеър ҳам бугунги муҳаррир-мунаққидлар учун фойдадан холи бўлмас, деган умидворлик билан шу кунгача етиб келибдим, демек устоз ҳам уни бекорга қозғаса тушириб чамадонга ташлаб қўймаган бўлса керак.

Абдулла аканинг Ҳамид Олимжон ижодига меҳри ҳам, ихлоси ҳам бўлачқа эди. Адабиётда мактаб яратган шоирлар унчалик кўп эмас, Ҳамид Олимжон эса мактаб яратган шоир, буни биллиб қўйинлар, дер эди.

"Қўламингдан олиб сурурни, Довруқ солди устоз Олимжон", "Сен барҳаёт онамсан, Ватан", "Шабнамдай маъсуму қўламан каби ёш" сингари кўплаб сатрлар ва меҳр тўла шеърларни чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билан азиз устозига бағишлаган эди.

Демак, катта адабиёт даргоҳида турган ёш истеъдодлар улуг устозларнинг ўзлари қайси улуг устозларнинг мактабидан ўқиб-ўрганганлигини ҳам билишлари зарур.

Беназир устозимиз Абдулла Ориповнинг мана шундай найсоний ҳаволарга туйинган тоза ва муаттар шеърларини қадрли китобчиқларга тақдим этар эканмиз, "бугунги замоннинг зуқко ўқувчисини бир нарсага ишон-



Абдулла ОРИПОВ Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ИЗҲОР

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим, Қанча манзилларда туздим ошён. Ва буюк ҳикматга охир юз бурдим, Сийланган жойида азиздир инсон.

Юртим, сенда экан насибам тугал, Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним. Сен — онам, сен — синглим, ёримсан азал, Эй, жоним, жаҳоним — Ўзбекистоним!

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам, Иста, яхши кунда номим қилгил ёд. Менсиз ҳам мукамал экан бу олам, Менсиз ҳам бахтга ёр экан одамзод.

Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб, Болангдай эргашиб кета олсам, бас. Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб, Сени танимаган мени ҳам билмас.

тириш қийин"лигини эътиборга олиб, устоз шеърларининг қўлэма нусхалари факсимилесини ҳам узвийлиги ва силсилавийлигини сақлаган ҳолда яхлит китоб шаклида дид ва фаросат билан тартиб беришда жонбозлик кўрсатган, мазкур гоё муаллифи муҳтарам Ҳанифа янгамизга, ҳар бир шеърни ё сатрни ноннинг ушоғидай кўзга суртиб, авайлаб-эзозлаб бизга етказган Рухсора Ориповога кўпсонли шеърят мухлислари номидан чин дилдан миннатдорлик билдирамиз. Наврузингиз, шеър ва сурур айёмингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Устознинг ўзи лутф этгандай:

Юрт буқун қарвонлар бошида нордир, Юрт буқун шарқ ичра тенгсиз бир диёр. Юрт буқун оҳудай хўп ишвақордир, Сир каби серавждир, Помирдай пайдор. Толе юлдузини кутлуг зибёси Саодат буржида балқан замон бу. Белоён Ватан бу — йўқдир қиёси, Ажиб бир бўстон бу — Ўзбекистон бу.

“ОТАЖОНИМ ОРИФЖОН, ИСМИНГИНИ УНУТМА!”



Ориф ТЎХТАШ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ёш шоир Абдулла Ориповнинг биринчи китоби — "Митти юлдуз"ни ўқибок, ўз хайратлари ва қувончини яширолмайд бундай деган экан: "Шеърятда қутилмаган янги нафас пайдо бўлди. Томчини кузатган бўлсангиз, тўлишганидан кейин томади. Абдуллоҳнинг шеърлари ҳам ана шундай. Олдин сўзма-сўз, сатрма-сатр юраги қонида қайнаб пишади".

"...Булбулни биласиз, жуда митти қуш. Аммо унинг юраги жуссасидан ўн баробар катта. Тўлиб, юракдан сайраганида гўё дунёни титратади. Анави "митти" шоир "бала"нинг юраги ҳам жуссасидан ўн чандон каттадир-ов... (Устоз адиб "бола" сўзини қўнчосига чиройли, шикаста овозда "бала" деб талаффуз этаркан). "Митти юлдуз" китобчасини арақлаб кўринг. Шу митти шоир қалб тубидан шаршарадек тилиб чиққан сатрлар қалбларни ларзага солади. Ҳали кўрасизлар, унинг овози олис-олисларга етиб боради..."

Дарҳақиқат, аллома адибнинг "башорати" бугунги кунга келиб, ўз исботини топди. Абдулла Орипов "бирозлардан олмаган ва ўзгага ҳам бериб қўймаган овози" билан ўз номини мангуликка муҳрлай олди. Халқро минбарларда ўзбек ҳақида, юртимиз адабиёти хусусида сўз кетганида, бу ном ҳамшиша камарбаста. Абдулла Ориф шу халқнинг мағрур овози ва ўзбекона донишмандлик рамзига ҳам айланб улгурди.

Эндиғина тили чиқа бошлаган жажжи болажонларнинг қайси бирисидан шеър сўраманг, "Серқуёш"ни биламан, деб юртимиз мадҳиясини баралла айта бошлайди. "Ўзбекистон", "Биринчи муҳаббатим", "Она тилим", "Муножот"ни тинглаб" ва шу каби бир қатор дилбар шеърларини адабиёт ихлосмандлари ёд биледи.

Мана шундай ихлосмандлар қаторида менинг ҳам болалигимдан адабиётда меҳрим баланд эди. Раҳматли отам Абдумажид Тўхташев бир умр педагогик соҳасида фаолият юритган бўлса-да, ўзини ижод оламида бир зум олис тутмади. Атоқли шоир Ҳамид Олимжон шеърятининг ашаддий мухлиси бўлиб, шунинг баробарида биз фарзандларини ҳам ижоднинг сеҳрли олами сари етаклади. Айниқса, ўз даврида мамлакатимизни бошқарган таниқли жамоат арбоби, зарбадест ижодкор Шароф Рашидов сиймоси ҳақидаги хотираларини ҳар гал тўлқинлаб гапириб беради. Бугунги кунда отамнинг табарук изидан бораётган олам Мухаббат Тўхташева ҳам фаол ижодкор ўқитувчилардан саналади.

Хуллас, болалик орзу-ҳаваслари ортидан бориб, шеърятга ошно тутиндик. Оилавий уч ижодкор ўз машқларимизни бир-биримизга ўқиб берадик, мутолаа қилган китобларимиз ҳақида баҳслашардик. Дастлабки ҳаваскорона машқларимизда нимадир борлигини сезган отам эътиборни янада қучайтирди ва бизни ёшимизга, қизиқишларимизга мос бўлган адабиётлар билан улзуксиз таъминлаб борди. Кейинчалик ёзганларимиз туман ва вилоят газеталарида чоп қилина бошлади.

5-синфга ўтар чоғида отамнинг ундови билан устоз ижодкор Абдулла

Орипов номига мактуб йўлладим. Хатга ўн чоғли шеъримни илова қилдим. Орадан кўп ўтмай, болалар газетасида "Болакай шоир" номи билан Абдулла Ориповнинг "оқ йўли" эълон қилинди. О, ўнги лаҳзалардаги кечинмаларимиз сўз билан таърифини келтирилмасам керак: бир думалаб шоирга айланб қолгандай эдим...

Бу қувончи ва хайратланарли воқеадан сўнг отам билан бирга, илк бора азим Тошкентга йўл олдим. Қўллаб газета-журналлар тахририятларига кирдик, янги ёзилган шеърларидан улашдик. Отам ўзига қадрдон бўлган ижодкор дўстларини йўқлади ва, албатта, мен учун табарук устоз мақомида бўлган Абдулла Орипов билан ҳам учрашиб, миннатдорлик билдиришимиз кераклигини айтди. Бу сўздан менинг бошим осмонда эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига учраб, устоз ижодкорнинг манзилини сўрадик. Улар шоирнинг айна пайтада шифоҳонада эканини билдирди. Бирроқ кўришиб ўтиш имконини топдик.

Бир-бирини яқиндан билишмасанда, отам ва устозим жуда кўюқ саломлашишди. Бугунги адабий жараёндаги янгиликлар, шоир ва ёзувчилар ҳақида анча суҳбат қуришди. "Абдулла ака, сизнинг эътиборингиздан руҳланиб, ёнингизга ўғлим Орифни олиб келганим", деб мавзунини мен томонга

бурди отам. "Кечирасиз, мени кўргани сизнинг ўғлингиз эмас, ўзимнинг отам келти-ку!" дея жилмайиб исмига урғу берарди устоз. Мактабдаги ўқимши, ҳозир қандай китобларни мутолаа қилаётганим билан қизиққан устоз баъзи адабиётларни тавсия ҳам қилиб ўтди.

Биз шифоҳонада эканимиз ва устозни толиқтириб қўямаслик важи билан кетишга руҳсат сўрадик. Устоз уриндиғи ёнидаги тортидан "Эҳтиёж фарзанди" номли янги китобини олиб, дастхат ёзишга киришди: "Отажоним Орифжон! Исмингни унутма!" Шундай чуқур маъноли сўзларни ёзиб, тағига имзо чеқди. Бу битиклар ҳали-ҳануз мени ҳушёр тортиради, ўша ҳолат кўз ўнгимда гавдаланаверади!

Ҳа, устоз ҳаёт бўлганида бугунги Наврузимиз улкан шоирга 80-баҳорни ўзи раҳматига олсин!

Жорий йилда Президентимизнинг Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилиниб, юртимизнинг барча жойларида ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Ориповнинг беназир ижодий мероси, унинг Ватанга



муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадий асарлари, сермазун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятига бағишлаб муносиб ижодий кечалар, "абдулла-хонлик"лар бўлиб ўтмоқда.

Халқимизнинг чўнг ифтихориға айланб улгурган ҳақиқий қаҳрамон шоиримиз ҳар нурафшон тонгда ҳар бир хонадонга ўзининг уйғотар оҳанглари билан кириб борадиган сўзлари орқали ҳаёт аслида! Устознинг тенгсиз битиклари ҳар ўзбек юрагида доим жананг сочиб тураверади!